



Креветка (қисқичбақасимон мавжудот) араб тилида “рубийн” ёки “ирбийн”, мисрликлар тилида “жумбарий”, инглизлар тилида “shrim” ёки “prawn” дейилади. Имоми Молик, имоми Шофеъий ва имоми Ахмад ибн Ханбал роҳматуллоҳи алайҳимлар наздида креветкани ҳалоллигида шубҳа йўқ. Чунки, улар наздларида денгизда яшовчи барча ҳайвонлар ҳалолдир. Ханафийлар наздида эса, креветкани ҳалоллиги унинг баликлар жумласидан ёки улар жумласидан эмаслигига боғлиқ. Қўпгина лугатшунос олимлар креветка баликнинг бир тури деб айтганлар.

Чунончи Инб Дурайд "Жамхаратул лугат" китобида "ирбиён баликнинг бир туридир" (3 ж. 414 б.) дейилган. "Комусул лугот ва тожул урус" китобларида ҳам ирбиённи балик турларидан саналган. (1 ж. 146 б.) Шунингдек аллома Димярий "Хаётул хайвон" китобида "у кичкина кизил баликдир" деган (1 ж. 473 б.) Лугатшунос олимлар сўзига биноан кўпгина ханафий уламолар ирбиённинг халоллигига фатво берганлар. Шайхул машоих Ашраф Али Тахонавий рохматуллохи алайх ҳам ўзларининг "Имдодул фатаво" китобларида шундай деганлар:

"Баликнинг баликдагина топилиб бошка нарсаларда топилмайдиган хос хусусияти бирор далил билан собит эмас. Агар топилганда эди, ўша хусусият топилмаган нарсани баликлар сафидан чиқариб юборар эдик. Шундай экан адолатли хайвонотшунослар гапига суянамиз. Хузуримда Димярийнинг "Хаётул хайвон" китоби бор. Димярий хайвонлар мохияти билан шугулланувчилардан саналади. Ушбу китобда "рубийён кичкина кизил баликдир" дейилган. Шунингдек унинг баликлигига кўнглим таскин топган. Кейинчалик Аллох бирор иш (кимларгадир унинг балик эмаслигини тахкик килдирса) пайдо килса, билмадим. Аллох билувчидир. (Имдодул фатаво 4 ж. 103 б.) Лекин хозирги кунимизда хайвонотшунос олимлар наздида ирбиён балик туридан эмас, балки, мустикал сув хайвони саналади.

Хайвонотшунослар наздида баликнинг таърифи куйидагичадир:

"Балик умурткали, сувда яшайдиган, сузгичлари билан сузадиган ва галсама яъни кичик тил билан нафас олувчи хайвондир". Ушбу таърифга биноан ирбиён балик турига кирмайди. Чунки, ирбиёнда умуртка суяк йўк ҳамда у жабра билан нафас олмайди. Шунингдек хайвонотшунослик илми мутахасислари хайвонларни икки қисмга бўладилар: Умурткали (Vertebrate), умурткасиз (Invertebrate). Шунга биноан баликлар биринчи, ирбиён эса, иккинчи қисм хайвонлари каторига киради. Британия энциклапедисия (6ж. 363 б. 1988 й) га мувофиқ 90 % хайвонлар иккинчи қисмга тааллуқли бўлиб, ер хашоратлари ҳам улар сирасига киради. Шунингдек Мастоний "Доиратул маориф" китобида баликка куйидагича таъриф берган:

"Балик сув хайвони бўлиб, умурткали хайвонларнинг энг охирги қисмига киради. Кони кизил, ойкулок (жабра) оркали нафас олади ва бошка умурткали хайвонлар каби жуссаси катта бўлади. ( Доиратул маориф 10 ж. 60 б.)

Мухаммад Фарид Виждий баликка куйидагича таъриф берган:

"Балик сув хайвони бўлиб, умурткали хайвонларнинг бешинчи даражасига киради. Кони совук кизил, жабралари оркали сувда эриган хаводан нафас олади. Доимий сувда яшашга мос аъзолар билан зийнатланган. Сузгичлари оркали сузади. Баъзиларида биттагина сузгичи бўлади".

Ушбу таърифларга қаралса ирбиёнда умуртка суяк йўклиги эътиборидан у балик эмас. Хайвонотшунослар фикрига биноан ирбиён балик эмас ва ханафий мазхаби ҳам шундай фикрда. Лекин шу ўринда бир савол пайдо бўлади. Хайвонотшунос олимлар тахкикотига суяниладими ёки урфи омгами? Яъни одамлар истилоҳида уни балик дейилишигами? Қоидага биноан икки урф бир-бирига зид келиб қолса, араблар урфига назар ташланади. Чунки, ҳадисда денгиз ўлимтикларидан баликни истисно қилиб олиниб, у ўлса ҳам халол эканлигини араб тили асосига кўра билинган. Шунинг учун бирор жонивор балик турига кириш қирмаслигида ҳам араб тили урфи эътиборга олинади. Юқорида айтиб ўтилганидек Ибн Дурайд, Ферузободий, Забидий ва Димярийлар каби лугат олимлари наздида ирбиён баликлар каторига киради. Шу гапга биноан баъзи ханафий олимлари хайвонотшунослик илми таърифига назар солиб ирбиённи балик

сафидан чиқариб юборган бўлсаларда, араб ахли урфига назар солган олимлар уни балик деб, халоллигига фатво берганлар. Шариат бундай масалаларда кўпроқ оммавий урфни эътиборга олади. Фаннинг ўта нозик тадқиқотларига кўп ҳам эътибор қаратмайди. Колаверса, бу ижтиҳодий масала бўлиб, бошқа уч мазҳаб имомлари халоллигига фатво берганлар. Фуқоҳолар бирор масалада халол ёки харомлиги борасида ихтилоф қилишлари харомлигига иттифок қилган масалалари олдида унинг энгилроқ эканлигини билдиради. Ёйишни табиат тортиси ёки тортмаслиги бутунлай бошқа нарса. Шундай бўлсада ирбиён (қреветкани) ёйишдан сакланиш авлорок саналади.

Валлоху аълам.

[\(Мухаммад Такий Усманий "фикхий мақолот" 215- 221 б\)](#)  
[Абдуманнон Косимий таржимаси](#)